



ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Ачилов Исмоил Бекназарович

ИИБ Академияси магистратура Ташкилий-тактик
бошқаруви мутахассислиги тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20353272>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 19-may 2026 yil
Ma'qullandi: 21-may 2026 yil
Nashr qilindi: 23-may 2026 yil

KEY WORDS

Жиноятнинг хусусияти ва кўлами. Интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи кўп бошқичли тузилмага эга.

ABSTRACT

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи ҳам бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда “онлайн” шаклга амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ аниқланган жиноятларнинг сезиларли қисми у ёки бу даражада интернет тармоғи орқали содир этилмоқда. Бу эса ушбу турдаги жиноятларнинг криминалогик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш заруратини юзага келтиради

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи ҳам бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда “онлайн” шаклга амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ аниқланган жиноятларнинг сезиларли қисми у ёки бу даражада интернет тармоғи орқали содир этилмоқда. Бу эса ушбу турдаги жиноятларнинг криминалогик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш заруратини юзага келтиради.

Интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига доир жиноятларни криминалогик жиҳатдан таҳлил қилиш қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади: жиноятнинг хусусияти ва кўлами; жиноятчи шахснинг хусусиятлари; жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари; жиноятдан жабрланганлар; жиноятнинг прогнози.

Жиноятнинг хусусияти ва кўлами. Интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи кўп бошқичли тузилмага эга. Унинг анъанавий гиёҳванд савдосидан фарқли асосий хусусияти шундаки, бу жиноят турли иштирокчиларнинг рол

тақсимотиға асосланган тармоқ кўринишида ташкил этилади. Бундай тармоқ одатда қуйидаги бошқичларни ўз ичига олади:

1) жиний схеманинг мавжудлиги ва ташкилотчилар, улар одатда ўзларининг шахсини яшириш учун бошқа давлатларда яшайдилар ва ноқонуний фаолиятни ташкил қилишда юқори даражадаги мутахассислик кўникмаларига эга бўладилар;

2) мижозларнинг кўплиги ёки буюртмаларини етказиб бериш усуллариининг ниқобланганлиги;

3) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг сақлаш жойларининг яширинлиги. Одатда бу жойлар фақат айрим шахслар тоифасига маълум бўлиши;

4) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни бир жойдан иккинчисига ташувчи шахсларнинг яширинлиги;

5) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг майда ҳажмларда қадоқлаб, белгиланган жойларга етказиб бериш;

6) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг харидорлари, улар одатда оператор билан алоқа қилиб, ҳисоб-китобни криптовалюта ёки бошқа анонимлаштирилган тўлов воситалари орқали амалга оширадилар, кейин эса белгиланган координаталар бўйича товарни ўзлари топиб олиши.

Айнан мана шу мураккаб жиний схема тузилмаси шуни кўрсатмоқдаки, тармоқнинг айрим бошқичида турган иштирокчиларни фож этиш бутун жиний ҳамжамиятни узиш имконини бермайди.

Жиноятчи шахснинг хусусиятлари. Криминологик нуқтаи назардан, интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласида иштирок этувчи жиноятчи шахсининг типик хусусиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу шахслар қуйидаги демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятлар устунлик қилади:

ёш гуруҳи бўйича — катта қисми 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш йигитлар ва қизлар (тахминан 65–70 фоиз);

жинси бўйича - асосий қисми эркеклар (тахминан 80–85 фоиз), бироқ хотин-қизларнинг улуши ҳам ўсиб бормоқда;

маълумоти бўйича - катта қисми ўрта-маҳсус ёки тугалланмаган олий маълумотга эга, кам қисми олий маълумотлилар;

оилавий ҳолати бўйича - асосий қисми оила қурмаган ёшлар, кам қисми бошланғич оилавий стажга эга бўлганлар;

ижтимоий меҳнат фаолияти бўйича - катта қисми доимий иш ёки касбий машғулотга эга бўлмаганлар, баъзилари талабалар ёки расмий иш билан биргаликда “қўшимча даромад” ахтарувчилар;

молиявий ҳолат бўйича - бу жиноят турига кирувчилар одатда осон ва тез даромад топишга интилувчилардан иборат.

ҳуқуқий онг даражаси бўйича - катта қисми ўз қилмишларининг ҳуқуқий оқибатларини тўлиқ англамайди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ёшлар орасида бу фаолияти аста-секинлик билан анъанавий бўлиб бормоқда. Жиний тузилмалар Telegram-

каналлар, баъзан Instagram реклама постлари орқали “онлайн иш — кунига 1-3 миллион сўм” типдаги таклифлар тарқатиб, ёшларни ўз сафига жалб қилмоқдалар. Бундай таклифларга баъзан ёш йигит-қизлар, айниқса, оғир молиявий аҳволдаги студентлар, ишсизлар ўз қилмишининг оғирлигини англамаган ҳолда тушиб қолишади.

Жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари. Интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи учун хос бўлган сабаб ва шарт-шароитларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

ижтимоий-иқтисодий сабаблар: ёшларнинг иш билан банд бўлмаганлиги, доимий даромад манбаига эга эмаслиги, оилавий молиявий тангликдан чиқишга интилиш;

маънавий-психологик сабаблар: ёшларнинг қизиқувчанлиги, тенгқурлар орасида “обрў” га эришиш истаги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни етишмаслиги;

технологик шарт-шароитлар: интернетдан фойдаланиш чегарасининг тобора кенгайиб бориши, анонимлаштирувчи технологияларнинг (VPN, Тор-браузер, анонимлаштирилган мессенжерлар) кенг тарқалиши, криптовалюта операцияларининг назоратдан четда қолиши;

ҳуқуқий шарт-шароитлар: интернет тармоғи орқали содир этиладиган гиёҳванд жиноятларига доир алоҳида квалификация белгиларининг қонунчиликда тўла-тўқис ифода этилмаганлиги, рақамли изларни процессуал расмийлаштириш тартибининг етарли даражада тартибга солинмаганлиги;

ташкилий шарт-шароитлар: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўртасида электрон ахборот алмашуви ва ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги; ходимларнинг кибер-тахлил, рақамли криминалистика ва криптовалюта таҳлили бўйича кўникмалари етарли даражада бўлмаслиги;

Виктимологик аспектлар. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи нафақат шу жиноятга бевосита алоқадор бўлган “кладменлар” ёки “операторлар”, балки кенг доирадаги ёшлар орасида жиддий салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бундан жабрланувчи биринчи навбатда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг сотиб олган ва истеъмол қилган ёшлар, уларнинг оилалари ва жамият ҳисобланади. Виктимологик аспектда қуйидаги тоифа шахсларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

бевосита жабрланувчилар — гиёҳвандлик воситаларини интернет орқали сотиб олиб, истеъмол қилувчилар; уларнинг саломатлигига жиддий зарар етказилади;

билвосита жабрланувчилар — наркоманнинг оила аъзолари ва яқинлари; потенциал жабрланувчилар — ҳали наркотик товарларни истеъмол қилмаган, бироқ интернет тармоғидаги тарқатилаётган таклифлар, реклама постлари таъсирида қолиш эҳтимоли юқори бўлган ёшлар;

ҳуқуқий жабрланувчилар — “осон даромад” таклифига учиб, кладмен фаолиятига жалб этилган ёшлар. Улар одатда қилмишларининг оғир ҳуқуқий

оқибатларини олдиндан ҳисобга олмаганликлари оқибатида узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиниш билан жазоланадилар.

Жиноятнинг прогнози. Сўнгги йиллар амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи қуйидаги асосий тенденциялар билан тавсифланмоқда:

биринчидан, жиноятнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Қишлоқ ва шаҳарлардаги ёшлар орасида “онлайн-наркосавдо” деган тушунча кенг тарқалмоқда;

иккинчидан, синтетик гиёҳвандлик воситаларининг (мефедрон, альфа-PVP, “соли”, “мяу-мяу”, “эфирлар”) улуши ўсиб бормоқда. Бу турдаги моддалар асосан интернет орқали тарқатилади, чунки уларнинг ҳажми кам бўлиб, бирор-бир ҳудудга кириб боришда осондир;

учинчидан, жиноятга жалб этилаётган ёшларнинг ёш чегараси пасайиб бормоқда. Илгари 25–30 ёшдаги ёшлар кладмен фаолиятига жалб этилган бўлса, бугунги кунда 18–22 ёшдаги ёшлар асосий контингентни ташкил қилмоқдалар. Айрим ҳолатларда вояга етмаганлар ҳам бу турдаги жиноятларга жалб этилмоқдалар;

тўртинчидан, жиноий тузилмалар янги анонимлаштирувчи технологиялардан, шу жумладан Тор-браузер, монеро криптовалюта, янги пайдо бўлган мессенжерлардан фойдаланмоқдалар. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноятчиларни идентификация қилишда қўшимча тўсиқлар яратмоқда;

бешинчидан, жиноятнинг географик ҳудуди кенгайиб бормоқда. Илгари бу турдаги жиноятлар асосан Тошкент шаҳри ва йирик вилоят марказларида учраган бўлса, бугунги кунда республиканинг деярли барча ҳудудларида аниқланмоқда;

олтинчидан, гиёҳвандлик воситаларининг “онлайн”-савдоси билан бирга шахсга, мулкка қарши жиноятлар, ҳамда жиноий йўл билан топилган маблағларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг ҳам ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Юқорида келтирилган криминологик таҳлилдан кўриниб турибдики, интернет тармоғи орқали содир этиладиган гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи замонавий шароитда жиддий ижтимоий хавfli жиноят шакли бўлиб, унга қарши самарали кураш олиб бориш учун кенг қамровли, кўп томонлама ёндашув талаб этилади. Бу эса нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки таълим муассасалари, ҳудудий ҳокимиятлар, маҳалла институти, оила, оммавий ахборот воситалари ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятини талаб этади..

фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 20. – 221-м.

3. Криминалистика. Ҳуқуқшунослик олий таълим муассасалари учун дарслик / Ғ. А. Абдумажидов, Р. А. Алимова ва бошқ. – Т.: ТДЮИ, 2003. – Б. 706.
4. Криминология. ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Муаллифлар жамоаси; Масъул муҳаррир ю.ф.д., профессор З. С. Зарипов. – Т., 2008. – Б. 423.
5. Абдуқодиров Ш. Ё. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисми). Ўқувуслублик қўлланма. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Қ. Абдурасулова. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 220.
6. Абдурасулова Қ. Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Рустамбоев М. Ҳ. – Т., 2008. – Б. 305.
7. Рустамбоев М. Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Ўқувуслублик қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 382.
8. Антонян Ю.М. Криминология. Избранные лекции. – М.: Логос, 2004. – 448 с.
9. Гасанов Э.Г. Борьба с наркотической преступностью: международный и сравнительно-правовой аспекты. – М.: ЮрИнфор, 2000. – 209 с.
10. Гилинский Я.И. Девиантология: социология преступности, наркотизма, проституции, самоубийств и других «отклонений». – СПб.: Юридический центр Пресс, 2007. – 528 с.



INNOVATIVE
ACADEMY